

O'ZBEK TILI, ADABIYOTI
VA FOLKLORI INSTITUTI

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ



ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

4
2024

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти

Бош муҳаррир:

Низомиддин МАҲМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:

Мақсуд АСАДОВ

Раҳматулла БАРАКАЕВ

Ғулом ИСМОИЛОВ

Баҳодир КАРИМОВ

Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА

Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Сувон МЕЛИ

Ёрқинжон ОДИЛОВ

Манзура ОТАЖОНОВА

Эргаш ОЧИЛОВ

(масъул котиб)

Гулчехра РИХСИЕВА

Шомирза ТУРДИМОВ

Боқижон ТЎХЛИЕВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Алмаз УЛВИЙ

Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ

Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ

Бердак ЮСУФ

Улуғбек ҲАМДАМОВ

Хайрулла ҲАМИДОВ

Тошкент - 2024

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

Ё.Одилов. Тилнинг демографик қуввати.....	3
А.Ҳасанов. Шевага хос ибораларда <i>бош</i> сўзининг айрим семантик хусусиятлари.....	9

Махтумқули таваллудининг 300 йиллиги

Б.Каримов. Закий Валидийнинг "Девони Махтумқули" маколasi хақида....	18
А.Улуғов. Махтумқули сабоқлари.....	23
Д.Ғайипов. Махтумқули шеъриятида ишқ-муҳаббат талқини.....	29
Э.Очилов. Махтумқули ва ўзбек адабиёти.....	32
С.Сариев. Махтумқули шеърияти ва халқ бахшилари.....	41

Илмий ахборот

М.Худойкулов. Илк жаҳид матбуотида ҳажвий публицистика.....	46
В.Алимасов. Абу-л Фазл ал-Ҳамадонийнинг ҳаёти ва ижоди	49
О.Ҳамроева. Адабиёт назариясига оид илк дарслик	53
А.Қурбонov. Навоий ғазалиётида тамсил, таносуб ва истиора уйғунлиги ...	59
М.Мавланова. Ширин образи ҳақида айрим мулоҳазалар.....	66
Э.Ҳазратқулова. "Бобурнома"нинг Аннета Бевериж таржимасида маданий-адабий муҳитга оид қайдлар	70
Д.Азизова. "Ўткан кунлар" романида архетипик мотивлар трансформацияси.....	75
Ф.Тиллабаева. Ўзбек ва рус фольклоридаги астрономик топишмоқлар қиёси.....	80
С.Қурбанова. Шукруллонинг бадиий публицистикаси.....	85
С.Маҳмудова. Адабий таъсир ва илҳом самараси.....	90
Ф.Низомов. Тарихий воқелик ва характер	94
Ғ.Атаджанов. Усмон Носир образининг бадиий талқинлари.....	99
Д.Зарипова. Навоий ва Ҳувайдо ижодида Иброҳим Адҳам образи.....	103
Д.Ходжаева. Ўзбек тилида расмий эпидейтик нутқий жанрлар тизимининг ўзига хослиги.....	107
О.Хайтбаев. Ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ адабий тилларидаги аллофраземалар.....	112
Л.Раҳимова. Тилшуносликда оғзаки дискурсни белгиловчи лингвистик омилларнинг ўрни.....	116
Ш.Аннакулова. Неология ва неография – тилшуносликнинг йўналишларидан бири сифатида	119
О.Ўринова. Қашқадарё лексикасида чорвачилик билан боғлиқ терминлар.....	124
С.Баратова. Ўхшатишнинг лингвопоэтикадаги ўрни.....	127

ШУКРУЛЛОНИНГ БАДИИЙ ПУБЛИЦИСТИКАСИ

Шоир-ёзувчиларнинг адабиёт ва санъатнинг ривожланиши, максуди ва режалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари доимо бадиий ижод орқали ифодаланади. Бадиий публицистикада эса ёзувчининг индивидуал публицистик услуби, эссеистик қарашлари намоён бўлади. Ёзувчи-ижодкорнинг бевосита ўз фикри ифодаси, унинг дунёқараши, жамият ва давр муаммоларига нисбатан фалсафий-эстетик муносабати эссе жанри орқали ҳам акс этиши мумкин. Зеро, "Эссе воқелик ва у тўғрисидаги тушунчаларни, алоҳида фактларни эркин ва холис ифодаловчи шаклдир. Эссе синкретик (коришиқ) табиатга эга бўлиб, унда бадиийлик публицистик ва фалсафий мушоҳада билан бирикиб келади"¹. Эсседа муаллифнинг интеллектуал даражаси, инсон ва жамият, олам ва одам ҳақидаги теран бадиий-публицистик муҳокама-мулоҳазалари, шахсий кечинма ва ўйлари, унинг "мен"и бош қаҳрамон сифатида зоҳир бўлиб, китобхон билан эркин мулоқот ўрнатиш эссенинг асосий жанрий белгиларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло бадиий публицистикасида "Жавоҳирлар сандиғи" асари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда адибнинг табиат ва жамият, инсон ҳаёти ва тириклик моҳияти, бадиий ижод ҳақидаги шахсий ўй-кечинмалари, адабий, фалсафий-эстетик қарашлари ҳиссий, бадиий ва илмий тафаккур уйғунлигида муаллиф "мен"и орқали ифодаланади. Зеро, эссе жанрининг асосий хусусиятларидан бири мавжуд воқеликнинг, борликнинг ёзувчи қалб призмасидан ўтказилиб, баҳоланишидир. Мазкур эсселар тўпламининг "Жавоҳирлар сандиғи" деб номланиши муаллиф томонидан шундай изоҳланган: "Жавоҳир сандиқ халқ ичида. Аммо топган билан уни очиш ҳамманинг кўлидан келавермайди. Топган пайтда бу сандиқни очиб билиш ҳам керак. Бу сандиқ одамларнинг қалбида. Унинг қалити эса одамларга меҳр"². Демак, "жавоҳирлар сандиғи" бу – халқнинг турмуш тажрибаси, маънавий бойлиги. Халққа, одамларга меҳр берган инсонгина бу бебаҳо хазинадан баҳраманд бўла олади. Ёзувчи-ижодкор учун ёлғиз меҳрнинг ўзи етарли бўлмайди. Халқнинг ноёб "жавоҳирлар"ини ўзлаштириб, уларни сайқаллаб, янги дурдоналар сифатида халқнинг ўзига қайта тақдим этиш учун ижодкордан юксак истеъдод, ақл-фаросат, машаққатли меҳнат талаб этилади. Шукрулло "Жавоҳирлар сандиғи"нинг бош ғоявий йўналишини белгилайдиган ижодкор ва жамият, ижодкор ва ҳаёт муаммосини хотира-лавҳаларда, ҳикоялар ва образли мантиқий муҳокамаларда бадиий-публицистик гавдалантиради.

"Жавоҳирлар сандиғи"нинг "Хазинага кириб қолганим ҳақида" деб номланган эссесидан муаллиф "Гап мантиқ устида кетганда маҳалламдаги бир воқеани эсладим. Мен дунёни маҳаллам орқали кўра бошладим, десам хато

¹ Х а л и з е в В. Теория литературы. – М.: "Высшая школа", 1999. – С. 318.

² Ш у к р у л л о. Жавоҳирлар сандиғи. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977, 141-бет. Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат қилинганда саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – С.Қ.

килмасман. Ҳақиқатан ҳам, маҳалламни худди дунёнинг кичкина нусхаси деса бўлар экан... Мен энг яхши гапларни ҳам, сўкишларни ҳам, дод-фарёд билан устига паранжи ёпиб кўтарилган тобутларни ҳам, карнай-сурнайлару тўй-томошаларда айтилган кўшиқларни ҳам даставвал шу ерда эшитганман" (45–46), – дейди. Ёзувчининг бу фикрлари китобхонга асардаги бадий-публицистик услубнинг халқчиллигини англашига ёрдам беради. Асар муаллифи оддий халқнинг ҳаёт тарзи, маиший турмуш деталлари, адабий (ривоят, афсона, ҳикматли сўз, мақол ва ҳ.к.) ва ҳаётӣй фактлар таҳлилидан бадий-эстетик, фалсафӣй хулосалар чиқаради. Халқ донишмандлиги моҳиятини ўзининг кузатишлари асосига қурилган ҳаётӣй воқеа-ҳодисалар орқали қайтадан кашф этади.

Шукрулло халқни "ҳазина" деб билади. Кимки нимани орзу қилса, шу ҳазинадан фойдаланиши керак, деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, ижодкор халқ ҳаётини, қалбини, дарду изтиробларини чуқур билмас экан, халққа яқинлашмас экан, у чинакам маънодаги ижодкор бўлиб етиша олмайди. Шунинг учун эссенавис ана шу фалсафӣй ифодани образли таърифлайди: "Халқ – бу чексиз ҳазина. Ким нимани орзу қилса, орзусини шу ҳазинадан топиши мумкин. Бахт ҳам, мангулик ҳам, юксак мартаба, шон-шуҳрат ҳам шу ҳазинада. Аммо бу ҳазинанинг калити халқнинг қалбини топа билишда, унга муносиб иш қилишда. Одамларнинг касб-кори, эркак-аёллигидан қатъи назар, ҳар бир киши ўзининг бетама қилган меҳнати билангина бу ҳазинанинг калитини қўлга олиши ва муродига етиши мумкин" (54). Бахтли ҳаётнинг манбаи айнан шу халқда, халқ билан яқдилликда, деган бадий-эстетик хулоса эссенинг бош лейтмотивини таъминлаган.

Маълум инсонларнинг характер хусусиятлари, воқеа-ҳодисалар, ҳаётӣй жараёнлар, маиший деталлар, пейзаж ва ҳоказолар эсседа образлиликни таъминловчи асосий воситалар ҳисобланади. Бироқ, бадий-публицистик ижод табиатига кўра, бу жиҳатлар ёзувчи бадий концепциясининг юзага чиқишига эмас, бирор ғоя ёки тушунчанинг бадий-публицистик руҳда образли ифодаланишига хизмат қилади. Шукрулло ҳам эсселарида ўзининг ғоявий-бадий ниятини ифодалашда маиший ҳаёт деталларидан моҳирона фойдаланган. Яъни эссеистик матндаги "ҳазина", "калит" деталлари бадий образ даражасига кўтарилган. Зеро, эсседа муаллиф ёзувчининг эстетик вазифаси, бадий асар яратишдаги энг катта мақсадини шу тариқа "ҳазина", "калит" каби рамзӣй образлар воситасида талқин этади. У халқ ҳаётӣ ва донишмандлигини "ҳазина"га менгзайди. Натижада "...образли тил ва тимсолларга ўраб айтилган бадий-публицистик муаммо тарғибот, ташвиқот, публицистик фикр сингари ўқувчининг онгига эмас, руҳияти ва ҳис-туйғуларига таъсир этиши орқали соф публицистик асардан кўра каттарок вазифани бажаради"³.

"Нурдан ранг ажратувчилар" эссесидеда шоирликни "нишолда"га ўхшатаркан, ассоциатив тафаккур усулини қўллайди. Зеро, эссенинг эркин композицияси, аввало, муаллифдан ассоциатив усулнинг ранг-баранг кўринишларидан фойдалана олиш маҳоратини талаб этади. Шукрулло

³ Қурбанова С. Ёзувчи публицистикасининг таракқиёт тамойиллари. – Тошкент: "Мухаррир", 2012, 12-бет.

эсселарини таҳлил қилар эканмиз, уларда адабий, ҳаётӣ, тарихий, маишӣ фактлар ассоциациясига кенг ўрин берилганига гувоҳ бўламиз. Муаллиф шундай ёзади:

" – Шоирлик, бу – нишолдага ўхшайди. Нишолда қилиш учун аввало, тухумнинг окини мис қозонга солиб, чилчўп билан роса чилпийсан. Унга етмак қуясан, тўртта тухум бир қозон кўпик бўлади (Шоирлар ҳам баъзан ўздан қўшиб кўпиртирмаса бўлмайди.) Ундан кейин устига тобига келган қиёмни қуйиб яна чилпийсан. Чилпишдан эринсанг, бирпасда етмаги пастга чўкиб, кўпиги тепага чиқиб бемаза бўлади-қўяди. Шунга ўхшаш шоирлар учун илм ҳам, илҳом ҳам, ҳаётни билиш ҳам – ҳаммаси керак. Биттаси кам бўлса, ёзган асари ҳам етмаги ажралиб қолган нишолдадек бемаза бўлади" (92).

Адиб юқоридаги парчада шоирликни нишолдага, бадиий ижод жараёнини нишолданинг пиширилиш жараёнига менгзар экан, бу қиёсда эмоционаллик ва образлик ярқ этиб кўзга ташланади. Унинг эсседа ўртага қўйилган масалага ҳиссий муносабати қиёсланаётган ҳодисаларнинг индивидуал тафсилотларини танлаб олиши (*яҳши нишолда бўлиши учун тухумнинг оқини кўп чилпиш, унга етмак ва тобига келган қиём қўшиб, яна чилпиш лозимлиги; яҳши шоир бўлиш учун эса илм, илҳом, ҳаётни тушуниш кераклиги*) ва уларни эссе матнига ўринли жойлаштириши орқали амалга ошади. Кўринадики, эсседаги ассоциатив фикр-мулоҳазалар яхлитлигини таъминлайдиган композиция воситаларидан яна бири муаллиф шахсидир. М.И.Стюфляева бадиий-публицистик асарларда муаллиф шахсияти ўрнини қуйидагича ифодалайди: "Бадиий-публицистик асар муаллифи ўз қаҳрамонларининг "кўзгуси" сифатида, асарнинг лирик қаҳрамони сифатида ва муаммоларни таҳлил қилувчи, баҳоловчи шахс сифатида намоён бўлади"⁴. Шу маънода, "Нурдан ранг ажратувчилар" эссесини ўқиган китобхон муаммоларни таҳлил қилувчи, баҳоловчи муаллиф шахсияти билан юзлашади.

"Жавоҳирлар сандиғи"нинг "Қор ҳам ёнар экан" эссесиде эса Шукрулло муаллиф-қузатувчи позициясида туриб, Ҳ.Олимжоннинг ташқи ва ички психологик портретига чизгилар беради: "Ҳамид Олимжонни тириклик чоғларида кўп кўрган бўлсам ҳам, аммо бирор марта ўзи билан суҳбатлашмаганман. Уни бир шоир сифатида бениҳоя севишимга қарамай, нима учундир у билан сўзлашишга журъатим етмасди. У сирли одамдек туюларди. Ҳар қандай ҳовлиққан одам ҳам унга тикилганида ҳовридан тушиб, ўйчан бўлиб қоларди. Унинг ташқи кўриниши, ҳаракатлари ҳам бошқаларникига ўхшамасди... Йиғинларда ўтирган чоғларида уни кўп кузатардим. Катта-катта ёрқин кўзлари доимо ёниб турарди. Унинг қатъийлигида бир самимийлик, табассумида ақл бўларди... Мен унга қараб ақллидек, ўйчан бўлиб қолардим. Унда сеҳрли бир жозиба ва салобат бор эди. У сўзлаган пайтларида ҳам шеър ўқигандек равон гапирарди" (114). Эсседа қўлланилган хотира-баён услуби, хотира деталлари Ҳ.Олимжон

⁴ Стюфляева М.И. Человек в публицистике. – Воронеж: Воронеж. унив., 1989. – С. 64.

характеристикасини юзага чиқараётган романтик-публицистик пафоснинг ишонарлидигини таъминлаган асосий омиллардан биридир.

"Жавоҳирлар сандиғи" асаридан бир қанча атокли ўзбек ёзувчи ва шоирлари ҳақидаги хотира-эсселар ўрин олган. Муаллиф ижодкор шахслар киёфасини, уларнинг инсоний фазилатларини ҳаётий воқеа-ҳодисалар асосида тадқиқ этиб, бадиий-публицистик хулосалар чиқаради ва ўз хулосаларини образли муҳокамаларда ифодалайди. "Кўринмаганни кўриш, айтилмаганни эшитиш ҳақида" номли эссеси устози Ғ.Ғулом билан кўп йиллик адабий мулоқотлари таъсирида ёзилган бўлиб, унда шоирнинг ибратли ҳаёт йўли, инсоний ва адабий сиймоси билан боғлиқ хотиралар, устоз-шоғирд ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳикоялар зимнида Ғ.Ғулом ижодий лабораториясининг айрим жиҳатлари ҳам очилади. Шунингдек, айтиш пайтда, шоир дostonлари ва шеърларининг яратилишига туртки бўлган воқеа-ҳодисалар ҳам эсга олинади.

Шукрулло эсселарида ижодкорларнинг ижод жараёнидаги ҳолати, кайфияти, ишлаш манералари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотларни беради. "Кўринмаганни кўриш, айтилмаганни эшитиш ҳақида" эссесига Ғ.Ғулом асарларининг яратилиш жараёни, шоирнинг ижод психологиясига оид қизиқарли факт ва деталларни қайд этади: " – Кўзингга кўринган нарсани бир лаҳзада шеър қила оласанми? – деб сўради. – Ҳар бир нарсани шеър қилиш мумкин. Мана, кўзингга кўринган, кўнглингга келган бирон нарсани айтиб кўр, шеър бўладими, йўқми – биламиз-қўямиз. Мен шоирнинг хонаси ва ховли атрофидаги нарсаларни кўздан кечириб бошладим... Мен ҳали ҳеч ким шеър қилиш учун кўл урмаган, Ғафур аканинг ўзи ҳам кутмаган нарсани излар эдим. Бирданга кўзим сиёҳдонга тушди-ю, шу ҳақда шеър қилишни сўрадим. Ғафур ака сиёҳдонга бир тикилиб, гувраниб олди. Ниманидир тутмоқчи бўлгандек, йирик-йирик бармоқлари ҳаракатга келди. Кўзлари ёнди, лаблари ниманидир пичирлай бошлади. Ҳамлага отланган шердек бир он жим қолди, кетма-кет сатрлар қоғозга туша бошлади" (138–139).

Шукрулло эсседа Ғ.Ғуломнинг нафақат ижодкор сифатидаги киёфасига, балки унинг инсоний фазилатларига ҳам алоҳида чизгилар берар экан, ҳаётий ва адабий фактлардан унумли фойдаланади. У устозидаги кузатувчанлик, ҳозиржавоблик, одамларга нисбатан меҳр-оқибат қаби хислатларни ҳолат, деталь ва ҳаётий фактлар талқинида ишонарли кўрсатиб беради ва баҳолайди: "Бешик бозоридан аста тўн бозорига, ундан дўппи бозорига ўтдик... Ғафур ака бошига ироқи дўппи кийиб, нархига келишолмай турган қизнинг олдида бориб:

– Шундай ярашдики, кўлингга олмай кийиб кетавер, кўрган йигитлар таги тахтингни суриштирмай, кийинишдаги дидингга қараб уйинггача эргашиб бораверади, – деди-ю, дўппичи хотинга қараб гапида давом этди: – Шундай қиз билан нархини талашасизми, ярашганига хурсанд бўлиб бериб юбораверинг-да, – деди.

У хотин ҳам шаддодроқ экан:

– Мен шоир Ғафур Ғулом эмасман, камини сиз тўлаб юбора қолинг, – деган эди, Ғафур ака дўппини бошига кийиб турган қизга қараб:

– Бўлди, кизим, дўппи сеники, кийиб кетавер, – деди. – Мен ҳам отанг бўламан, мендан хотира бўлсин...

Ғафур ака қизнинг қаршилигига қарамай қўлидан пулини олиб жавраб турган сотувчига берди-да, камини дўппичига ўз ёнидан чиқариб тўлади. Ҳа, бу тасодифий ҳол эмас эди. У одамларни севарди, уларнинг қувончидан қувонарди" (143–144).

Кўринадики, эсседа ҳаётий-маиший, адабий ассоциациялардан фойдаланиш устуворлик қилади. Бу ассоциацияларнинг мазмун-моҳияти эса публицист-ёзувчи шахсияти, унинг интеллектуал салоҳияти, индивидуал ижодий услуги билан чамбарчас боғлиқ.

Шундай қилиб, Шукруллонинг "Жавоҳирлар сандиғи" асари ўзбек бадиий публицистикасининг ёрқин намунаси бўлиб, унда адибнинг табиат ва жамият, одам ва олам, санъат ва бадиий адабиёт, бадиий ижод моҳияти ҳақидаги субъектив қарашлари ҳиссий, бадиий ва илмий тафаккур уйғунлигида муаллиф "мен"и орқали ифодаланади. Адиб асарнинг бош ғоявий йўналишини белгилайдиган ижодкор ва жамият, ижодкор ва ҳаёт муаммосини хотира-лавҳаларда, образли мантиқий муҳокамаларда бадиий-публицистик гавдалантирар экан, адабий, ҳаётий, тарихий, маиший фактлар ассоциациясидан кенг фойдаланади. Эссеистик матнда ассоциатив фикр-мулоҳазалар яхлитлигини таъминлайдиган асосий омиллардан бири муаллиф шахсияти бўлиб, Шукрулло эсселарда ўзининг ғоявий-бадиий ниятини муаллиф-қузатувчи ("Қор ҳам ёнар экан"), муаллиф-таҳлилчи, баҳоловчи ("Нурдан ранг ажратувчилар"), муаллиф-қаҳрамон ("Тошдаги муҳаббат оташи", "Биринчи севги қиссаси") позициясида туриб, амалга оширади. Шукрулло эсселарида образлиликни таъминловчи асосий воситалар ҳисобланган воқеа-ҳодисалар, ҳаётий жараёнлар, маиший деталлар, пейзаж ва ҳоказолар ёзувчи бадиий концепциясини юзага чиқаришга эмас, балки бирор ғоя ёки тушунчани бадиий-публицистик руҳда образли ифодалашга хизмат қилади. Ёзувчи индивидуал ижодий услубига хос хотира-баён услуги, хотира деталлари эсселардаги бадиий-публицистик пафоснинг ишонарлигини таъминлайдиган асосий омиллардан биридир.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Ўзбекистон халқ шоири Шукруллонинг "Жавоҳирлар сандиғи" эссесида талқин этилган адабий муаммолар, ижодкорнинг ўзига хос эссеистик услуги таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье анализируются литературные проблемы, трактованные в эссе народного поэта Узбекистана Шукрулло "Клад драгоценностей", уникальный эссеистический стиль автора.

RESUME. This article analyzes the literary problems interpreted in the essay by the national poet of Uzbekistan Shukrullo "Treasure of jewels", the unique essayistic style of the author.

Таянч сўз ва иборалар: эссе, Шукрулло, ижодкор лабораторияси, илҳом, шоир ва шеър, бадиий асар биографияси, адабий ва тарихий факт

Ключевые слова и выражения: эссе, Шукрулло, творческая лаборатория, вдохновение, поэт и поэзия, биография художественного произведения, литературный и исторический факт

Key words and word expressions: essay, Shukrullo, creative laboratory, inspiration, poet and poetry, biography of a work of art, literary and historical fact.